

буқаларнинг генофонди ва уруғнинг сифати талаб даражасида текширилмаганлиги сабабли қорамоллар орасида кўплаб генетик нуқсон, майиб-мажруҳлик ва ирсий касалликлар қайд қилинган. Маълумки бу нуқсонларни наслдан-наслга ўтишида асосан насли буқалар (оталар) сабабчидир, шунинг учун ҳам У.Саидовнинг (2008) таъкидлашича АҚШ да ҳар йили насли буқа берувчи машхур сигирлардан туғилган буқачаларнинг 1500 боши селекцион-генетик синовидан ўтказилади ва уларнинг 48-50 бошигина бу синовдан муваффақиятли ўтади. Қолган 1420-1452 бош буқа ва улардан олиниб паэтга қадақланган уруғ олиш учун қилинган сарф-харажат миқдоридан қатъий назар йўқотилади. Исроил мамлакатида эса 150 бош насли буқадан 9-10 боши синовдан ўтади ҳолос. Селекция генетик синовларини ўтказиш учун насли буқалардан олинаётган уруғнинг 1000 донаси билан бир хил ёшдаги 330-350 бош насли урғочи тана сунъий уруғлантирилади ва бу жуфтликлардан туғилган урғочи бузоқлар вояга етказилиб, аввалдан синалган буқаларнинг уруғлари билан қочирилади. Улар ҳам туққандан кейин 305 кунлик (бир лактация даври) соғим даврида ўз ота оналаридан 20% ортиқ маҳсулот берса, бирон бош ҳам генетик нуқсонли авлод туғилмаса бундай буқалар яхши авлод қолдирувчи ҳисобланади. Қорамолларда хромосомалар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай нуқсон, камчилик, майиб-мажруҳлик ва касалликнинг эътиборли томони шундаки улар ирсийланиш хусусиятига эга. Бошқача қилиб айтганда организмдаги бошқа белгилар қатори нуқсонлар ҳам авлоддан авлодга берилади.

Аниқлашича ҳар бир белги ва нуқсонларни авлоддан-авлодга ўтишга сабаб бўладиган генлар хромосомалардаги ДНК структурасида жойлашган экан. Ҳамма генетик материаллар қатори ген ҳам мутацияга учрайди. Яъни кариотипда ҳам структуравий ўзгариш содир бўлади. Мутациялар генда ва хромосомаларда содир бўлса, бу анча ирсий нобарқарорликка сабаб бўлади. Агар ўзининг ўзгариши билан организмни 100% ўлимга олиб келадиган генлар бўлса буларга леталь (ўлим, захар), агар организмни 50% ўлимга олиб келса ярим леталь ва майиб-мажруҳликка сабаб бўлса субвилеталь генлар деб айтилади. Хромосомалар билан боғлиқ бўлган мутациялар ҳам жуда катта камчиликларга, нуқсонларга касаликларга ва охир оқибат талофатларга олиб келади.

БРОЙЛЕР ЖЎЖАЛАРИНИ ЎСТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Б.Назарова - талаба, Ф.Бердиқулов - магистрант,
Ю.А.Эрматов – илмий раҳбар, доцент**

Мавзунинг долзарблиги: Кейинги йилларда мамлакатимизда соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Нафақат тадбиркорлар, балки кўпчилик аҳоли парранда боқишни йўлга қўйиб яхшигина даромад олмоқда. Ҳозирги кунда гўшт йўналишидаги истиқболли товуқ кроссларидан Кобб-500, РОСС-308, Ҳабборт каби кросслардан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Ушбу кроссларни андоза талабларига риоя қилган ҳолда жўжалар ўстирилмоқда. Бройлер жўжаларини парваришlash энг муҳим ва мураккаб жараён дир. Ўстириш даврида зоотехния, ветеринария қоидаларига риоя қилиш, жўжа ўстириладиган хонани олдиндан тайёрланиши керак. Хона ичини 5-10%ли фармолин, ёки 1,2-2% хлор эритмаси билан зарарсизлантириш, 6-8см қалинликда сомон похол, ёғоч қириндиси ёки майдаланган маккажўхори поясидан тўшама сифатида фойдаланилади. Жўжалар турар жойини картонли ДВП билан айлана ҳолатга келтириб 1м² ерда 18 бош ҳисобида жўжаларни жойлаштириш маъқул. Бу билан жўжаларни бурчакларга ғуж-ғуж бўлиб тўпланиши бир-бирини босмаслик ҳаракатидан ҳолис қилган бўласиз. Ҳам ёруғлик ва иситиш мақсадида сунъий она вазифасини бажарувчи мосламадан фойдаланилади.

Бройлер жўжалар риволанишида ёруғлик муҳим аҳамиятга эга. 1-2-кунлари жўжахонада 23 соат мобайнида ёруғликни таъминлаш керак. Ёруғлик узунлиги аста-секин камайтирилиб 3 ҳафталик ёшида 9-10 соатни ташкил этиш керак. 10 кунлик жўжа учун ёруғлик қуввати люкс ўлчамида ва иссиқлик ҳарорати қуйидагича бўлади.

Жўжаларни хоначаларга 30-50- бошдан алоҳида-алоҳида қилиб жойлаштириш зарур. Биринчи 3-кунликда сувни қайнатиб бериш, 6 литр сувга 2гр тетрациклин эритиб бериш керак. Сувнинг ҳарорати 31-33 °С даражада бўлиб, ҳар ҳафтада 2 °С га пасайиб, 18—20 °С даражага етказилганда бу ҳарорат мунтазам сақланади.

Бройлер гўшти етказишда, бройлер жўжаларни ерда қалин тўшамаларда сақлашда бино ичидаги ва чироқ остида иссиқлик ҳароратини меъёрда сақлаш муҳимдир. Илмий нуқтайи назардан бройлер жўжаларини қалин тўшамаларда сақлашда бино ичида ҳаво-иссиқлик ҳарорати 24-26⁰С, чироқ остида эса сақлашнинг биринчи ҳафтасига 32-30⁰С бўлса, кейинги сақлаш даврларда ёши эътиборан ҳафтасига +2⁰ С камайтириб борилади.

1-жадвал. Бройлер жўжаларни ўстириш ва бўрдоқлашда микроиқлим меёрлари

Ёши, кун	Иссиқлик ҳарорати			Бино ичида намлик,%	Бино ичида ҳаво ҳаракати, м/с
	Турар жойини иситиш, °С		Бино ичида иссиқлик ҳарорати, °С		
	Брудер тагида	Атрофида			
0-2	32-34	29-31	30-32	55-60	Ҳаво алмаштириш 0.8-1 м ³ /кг т/в ҳисобига ўстириш боши -дан 21 кунгача захарли газларни ва NH ₃ чиқаришда ҳаво ҳаракати <0.1 м/сек
3-6	31-33	28-30	28-30	60-65	
7-9	29-31	26-28	26-28	60-65	
10-2	28-30	25-27	25-27	55-60	
13-15	27-29	24-26	24-26	55-60	
16-18	26-28	23-25	23-25	65-75	
19-21	25-27	22-24	22-24	60-70	
Жўжаларни бўйи билан баравар ҳолатда, иссиқлик<<>>намлик<<>>ҳаво алмаштириш<<>>ҳаво ҳаракати					
22-25	-	21-23	21-23	60-70	Ҳаво ҳаракатини вариантлари: 0.8-6 м ³ /кг т/в, намликни пасайтириш
26-30	-	20-22	20-22	60-70	
31-35	-	18-20	18-20	60-70	
>-35	-	17-19	17-19	60-70	

Нисбий намлик ўстиришнинг биринчи даврида, яъни бошланғич (стартовый) даврида 50-60 %, ўстириш ва бўрдоқлаш даврида 60-70 % бўлиши мақсадга мувофиқ. Ёруғлик эса ўстиришнинг бошланғич даврида 30-25 люкс, кейинги даврларда 25-20 люксда. Бу эса ёш бройлер жўжаларини ўстиришни бошланғич даврида нафақат турар жойида иссиқлик ҳароратини меъёрлаштиришда қолаверса, жўжаларни яхши озиклантиришда ва меъёридаги омихта емни истемол қилишини таъминлайди.

Тез ҳазмланувчи, ёрмаланган, оқсилга бой озуқалар берилиши лозим. 1-5-кунлик жўжаларга қуйидаги таркибдаги ем аралашмаси тавсия қилинади: маккажўхори (майдаланган) 40%, буғдой (майдаланган) 40%, сўя шроти 17%, қуруқ сут 3%. Масалан, 100-кг омухта ем тайёрлаш учун 40кг буғдой, 40 кг маккажўхори, 17 кг соя шроти, 3 кг қуруқ сут олиниб аралаштирилади. Жўжаларга 5 кунлик ёшидан бошлаб ем аралашмасига ҳафтада 1 марта 1 кг (катталиги 2-3 мм) майда тош заррачалари бериш керак. Жўжаларни парваришlash мобайнида 0,3% микдорда ош тузи сувда эритиб, кунлик озуқасига аралаштириб бериш талаб этилади. Масалан, 10 кг емга 30 гр туз қўшилади.

Жўжаларни ўстиришнинг биринчи 10 кунлигида жуда ҳам эҳтиёткорлик билан озиклантириш керак. Айнан, ёрмаланган маккажўхори, оқ жўхори, тарик, буғдой бериш зарур. Омухта емнинг таркибида 65-75% донли озиқа, 15-20% соя шроти, 8-12% балиқ уни ва суяк гўшт уни, 1-2% ёғи олинган қуруқ сут, 7% гача премикслар ва 2-3% ўт уни бўлиши керак. Берилаётган омухта емнинг таркибига 1-1,5% чиганоқ ёки извясняк қўшиб берилади.

Озуқаларни ёрма шаклида яхшилаб аралаштирилиб махсус охурларда берилиши керак. Бунда озуқалар иктисод қилинади.

Ҳарорат пасайганда жўжалар бир жойга тўпланиб олади, исиб кетганда эса салқинроқ жой қидириб, кам ҳаракатчан бўлади. Жўжахонада 1-2 кунлик жўжалар учун хавонинг ҳарорати 33, 3-4 кунликда 31-32, 5-7 кунликда 30-31, 8-14 кунликда 29-30, 15-21 кунликда 27-28, 22-28 кунликда 23-25, 29-35 кунликда 22-23, 36-45 кунликда 18-20 С бўлишини таъминлаш керак.

2-жадвал. Ўстиришнинг бошланғич даврида

Омухта ем таркиби		Сифат кўрсаткичлари	
Маккажўхори, соя шроти, балиқ аралашмаси, оксил қўшмалари, ўсимлик ёғи, известняк, трикальций фосфат, туз, озикабоб сода, витамин-минерал аралашмаси, аминокислоталар, антиоксидантлар, ингибатор плесени, абсорбент, микотоксинлар, ферментлар, антибактериал препаратлар, биотрониклар		Хом протеин - 23% Энергия - 302.5 ккал Лизин – 1.27 гр Метионин-Цистин – 0.94 гр Трионин – 0.80 гр Кальций – 0.90 гр Фосфор - 0.50 гр Натрий – 0.16 гр Хлор – 0.16 гр Холин – 160 мл	
Ёши	1 кун	2 кун	3 кун
Озика меъёри	13 гр	17 гр	26 гр
Сув меъёри	22 гр	32 гр	34 гр
Сувнинг ҳарорати	21 – 23 ° С		

3-жадвал. Ўстириш даврида

Омухта ем таркиби				Сифат кўрсаткичлари			
Маккажўхори, соя шроти, балиқ аралашмаси, оксил қўшмалари, ўсимлик ёғи, известняк, трикальций фосфат, туз, озикабоб сода, витамин-минерал аралашмаси, аминокислоталар, антиоксидантлар, ингибатор плесени, абсорбент микотоксинлар, ферментлар, антибактериал препаратлар, биотрониклар				Хом протеин - 22% Энергия - 302.5 ккал. Лизин – 0.94 гр. Метионин-Цистин – 0.96 гр. Трионин – 0.80 гр. Кальций – 0.90 гр. Фосфор - 0.70 гр. Натрий – 0.16 гр. Хлор – 0.16 гр. Холин – 160 мг.			
Ёши	4-кун	5- кун	6- кун	7-кун	8-кун	9-кун	10- кун
Озика меъёри	23 гр.	27гр.	31гр.	39гр.	43.гр.	48гр.	53 гр.
Сув меъёри	39 гр.	46гр.	53гр.	66гр.	73гр.	82гр.	90 гр.
Сувнинг ҳарорати	28 – 30 ° С						

4-жадвал. Ўстириш даврида

Омухта ем таркиби		Сифат кўрсаткичлари	
Маккажўхори, Буғдой, соя шроти, балиқ аралашмаси, оксил қўшмалари, ўсимлик ёғи, известняк, трикальций фосфат, туз, озикабоб сода, витамин-минерал аралашмаси, аминокислоталар, антиоксидантлар, ингибатор		Хом протеин - 21% Энергия - 310 ккал. Лизин – 1.10 гр. Метионин-Цистин – 0.84 гр. Трионин – 0.70 гр.	

плесени, абсорбент, микотоксинлар, ферментлар, антибактериал препаратлар, биотрониклар								Кальций – 0.90 гр. Фосфор - 0.70 гр. Натрий – 0.16 гр. Хлор – 0.16 гр. Холин – 160 мг.						
Ёш	11-кун	12-кун	13-кун	14-кун	15-кун	16-кун	17-кун	18-кун	19-кун	20-кун	21-кун	22-кун	23-кун	24-кун
Озика меъёри	58 гр.	63 гр.	69 гр.	74 гр.	80 гр.	86 гр.	92 гр.	98 гр.	100 гр.	104 гр.	110 гр.	116 гр.	122 гр.	128 гр.
Сув меъёри	99 гр.	107 гр.	117 гр.	126 гр.	136 гр.	146 гр.	156 гр.	167 гр.	170 гр.	177 гр.	187 гр.	197 гр.	207 гр.	218 гр.
Сувнинг ҳарорати	26 ⁰ – 28 ⁰ С													

5-жадвал. Бўрдоқилаш (сўйиш давригача)

Омухта ем таркиби									Сифат кўрсаткичлари							
Маккажўхори, Буғдой, соя шроти, балиқ аралашмаси, оксил қўшмалари, ўсимлик ёғи, известниак, трикальций фосфат, туз, озикабоб сода, витамин-минерал аралашмаси, аминокислоталар, антиоксидантлар, ингибитор плесени, абсорбент, ферментлар, микотоксинлар, антибактериал препаратлар, биотрониклар									Хом протеин - 19% Энергия - 320 ккал. Лизин – 0.94 гр. Метионин-Цистин – 0.73 гр. Трионин – 0.61 гр. Кальций – 0.85 гр. Фосфор - 0.50 гр. Натрий – 0.19 гр. Хлор – 0.19 гр. Холин – 140 мг.							
Ёши	25-кун	26-кун	27-кун	28-кун	29-кун	30-кун	31-кун	32-кун	33-кун	34-кун	35-кун	36-кун	37-кун	38-кун	39-кун	40-кун
Озика меъёри	134 гр.	140 гр.	146 гр.	152 гр.	157 гр.	163 гр.	168 гр.	173 гр.	178 гр.	183 гр.	187 гр.	192 гр.	196 гр.	200 гр.	204 гр.	208 гр.
Сув меъёри	228 гр.	238 гр.	248 гр.	258 гр.	267 гр.	277 гр.	287 гр.	294 гр.	303 гр.	311 гр.	318 гр.	326 гр.	333 гр.	340 гр.	347 гр.	354 гр.
Сувнинг ҳарорати	20 ⁰ – 22 ⁰ С															

Хулоса: Юқорида кўрсатилган йўл-йўриқларга риоя қилинса, шундагина соғлом ва экологик тоза бройлер гўшти етиштиришга эришиш мумкин. Демакки, нафақат оилангиз қолаверса бозорни парранда маҳсулотлари билан тўлдиришда ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

ЗАРАФШОН ВОҲАСИНИНГ АЙРИМ ХУДУДИДА УРЧИТИЛАЁТГАН СИГИРЛАР СУТИНИНГ ТАРКИБИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

**М.Нарзуллаева, А.Боймурзаева – талабалар,
Ш.Қ.Амиров - илмий раҳбар, доцент**

Аннотация. Мақолада ўқув тажриба хўжалиги Давлат унитар корхонасида урчитилаётган қора-ола, қизил чўл ва бушуев зотиға мансуб сигирлар сутининг кимёвий таркиби ҳамда хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилган.